
Ибратли умр эътирофи

Данғара туманида Устоз Исақжон Рахмонов хотирасига бағишиланган “Ибратли умр эътирофи” номли тадбир 27-мусиқа ва санъат мактабида ўтказилди.

Тадбирда Мактабгача ва мактаб таълими бошқарма бошлиғи Ш.Долимов, Данғара тумани хокими ўринбосари Ш.Үринова, бўлим бошлиғи А.Содиқов, мактабгача ва мактаб таълим бўлими ходимлари, оила аъзолари, узоқ йиллар бирга фаолият олиб борган касбдошлари, синфдошлари ва таълим муассасаси раҳбарлари иштирок этишди.

Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан ташкил этилган тадбирда сўзга чиққанлар томонидан марҳум устоз Исақжон Рахмоновнинг юксак фазилатлари ва хизматлари эътироф этилди.

Тадбир якунида устоз Исақжон Рахмонов хотирасига бағишилаб ўтказилган спортнинг Шахмат тури бўйича мусобақа ғолиблари тақдирланди.

2024-05-06 19:37:38